

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГОИПОВ АКРАМ БАЙРАМОВИЧ

**ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ҲИСОР ТОҒЛАРИ ЭТАКЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ
НЕФТ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИ СТРУКТУРАЛАРНИ БАШОРАТЛАШ
УЧУН ГЕОФИЗИК, КОСМОГЕОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИ
КОМПЛЕКСЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geological-mineralogical sciences**

Гоипов Акрам Байрамович Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида маҳаллий нефт-газга истикболли структураларни башоратлаш учун геофизик, космогеологик маълумотларни комплекслаш.....	3
Гоипов Акрам Байрамович Комплексирование геофизической, космогеологической информации для прогнозирования локальных нефтегазоперспективных структур в пределах Юго-западных отрогов Гиссарского хребта.....	23
Goipov Akram Bayramovich Integration geophysical, cosmogeological information to predict local oil and gas promising structures within the southwestern spurs of the Gissar Ridge.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГОИПОВ АКРАМ БАЙРАМОВИЧ

**ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ҲИСОР ТОҒЛАРИ ЭТАКЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ
НЕФТ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИ СТРУКТУРАЛАРНИ БАШОРАТЛАШ
УЧУН ГЕОФИЗИК, КОСМОГЕОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИ
КОМПЛЕКСЛАШ**

04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/GM52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Атабаев Дилшот Хусайнбаевич

Геология-минералогия фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Долгополов Феликс Геннадьевич

Геология-минералогия фанлари доктори

Садикова Лола Ренатовна

Геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекгеофизика» АЖ

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11^а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Р. Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р.Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

К.Н.Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, академик, ф.-м.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида нефть ва газ захираси ўсишини таъминлаш, асосан геологик ва геофизик қидирув ишларини мақсадли режалаштиришни тақозо этади. Саноатнинг турли жабҳаларида углеводород хом-ашёсига бўлган талабнинг ортаётганлиги боис, нефть ва газга истикболли структуралар фондини кенгайтиришда геологик ва геофизик маълумотларини комплекс талқинига, хусусан - геофизик усулларнинг натижаларини замонавий фазовий суратларни қайта ишлаш билан комплекслаш, нефть ва газ қидирув тадқиқотларини ўтказиш жараёнида нефтьгаздорликга истикболли структураларни башоратлаш ва ажратишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда нефть ва газ конларини қидиришда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида, нефть ва газ тутқичларининг қидирув мезонлари, уларнинг шаклланиши, жойлашув хусусиятлари, структуравий ва тектоник ўзига хослиги, истикболли майдонларни ажратиш, нефть ва газ конларини аниқлаш ва уларни кейинги геологик-қидирув босқичига тайёрлашдаги илмий ёндашувнинг афзаллиги, маълумотларни талқин қилишнинг самарадорлигини аниқлаш ва ўзаро боғлиқликларни ишончлилигини комплекс таҳлиллашни тақозо этади.

Мамлакатимизда нефть ва газ соҳасининг ҳар тарафлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда, жумладан геология қидирув ишларини жадаллаштириб, нефть ва газ захиралари сонини ортишига эришилган. Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегияси бўйича Ҳукуматимиз томонидан «... алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш ...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида космогеологик маълумотларни комплекс қўллаш орқали маҳаллий нефть-газга истикболли структураларни аниқлашга бағишланган илмий изланишларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614 сон «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизда экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3373-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш дастурининг биринчи босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жанубий-ғарбий Ҳисор нефтгаздорлик регионининг нефтгаздорлик геологияси, тектоникаси, геофизикаси, углеводород уюмларининг шаклланиши ва жойлашув қонуниятларини ўрганишда А.Г.Бабаев, А.М.Акрамходжаев, В.В.Рубо, К.А.Сотириади, А.Ю.Воробьев, А.М.Мустафин, М.М.Маденов, О.Т.Тажитдинов, Л.И.Буняк, Н.В.Сильченко, Д.Р.Расулов, С.В.Екшибаров, Ф.Х.Миркасимов, Ф.Х.Зуннунов, В.А.Пак, Ф.М.Фаттахов, В.И.Троицкий, А.С.Орловский, В.П.Ким, Б.Б.Таль-Вирский, Р.М.Гатина, В.К.Панасюченко, У.С.Умарходжаев, Г.И.Могилевский, П.У.Ахмедов, Р.И.Абрамсон, И.И.Перельман, Р.З.Ахмеров, С.А.Зуев, Т.Э.Эргешев, О.М.Борисов, А.К.Глух, Ш.Э.Эргашев, Э.А.Гольдвирт, Р.С.Иванов, А.А.Юрьев, Т.Л.Бабаджанов, Т.И.Муминджанов, С.Т.Хусанов, Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов, Д.Х.Атабаев ва кўплаб бошқа тадқиқотчилар улкан ҳисса қўшганлар. Бугунги кунда ҳам геофизика мактабининг эришаётган ютуқлари жаҳон геология фанида муносиб ўринни эгаллаб турибди.

Мазкур тадқиқотлар асосида углеводород конлари шаклланиши, уларнинг тектоник, структуравий ўзига хослига, истиқболли горизонтлар шаклланиши ва жойлашуви қонуниятларини, нефть ва газ қидирув мезонлари, геологик-саноатбоплиги, нефть ва газ уюмлари тўпланишининг қонуниятлари аниқланган.

Жанубий-ғарбий Ҳисор нефтгаздорлик регионининг углеводород потенциалини ўрганишда эришилган ютуқларга қарамасдан, сўнги йилларда маҳаллий истиқболли структуралар фонди сезиларли камайди, бунга сабаб ҳудуднинг мураккаб чуқурлик тузилиши ва кескин ўзгарувчан рельефи геофизик ишларни ўтказишни мушкуллаштиришидадир.

Ҳудуднинг аксар қисми ер усти геофизик усуллари билан кам ўрганилганлиги боис, ушбу муаммони ҳал қилиш фақатгина ерни масофадан зондлаш маълумотлари натижаларини геофизик маълумотлар билан комплекс талқин қилишни тақозо қилади.

Геофизик маълумотларни космогеологик материаллар билан комплекс талқин қилиш ер қари ҳақида янги маълумотлар олиш имконини беради ва тадқиқот ишларининг ишончлилигини оширади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига ва Давлат геология қўмитасининг 2009-2020 йилларга мўлжалланган космогеологик, геофизик ва геокимёвий тадқиқотларни олиб бориш дастурига мувофиқ ҳамда «Жанубий Ўзбекистоннинг ёпиқ ва кам очилмали ҳудудларида қидирув ишларини ўтказиш учун истиқболли майдонларни ажратиш мақсадида Ерни масофадан зондлаш усуллари, аэро- ва фазовий суратларни дешифрировкалаш орқали илгариланма тадқиқотлар.

Жанубий Ўзбекситонда нефть ва газга бурғулаш ишларининг (керна ва геофизик тадқиқотлар материалларини) геологик маълумотларини ўрганиш, ажратилган истиқболли структура ва позицияларларини кейинги ер усти геофизикавий ва геохимёвий тадқиқотлар билан текшириш» (2008-2010 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларидаги ҳудудларда маҳаллий нефть ва газга истиқболли структураларни башоратлаш бўйича геофизик ҳамда космогеологик маълумотларни комплекслашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида илгари бажарилган геофизик, бурғулаш ва космогеологик ва маълумотларини комплекс таҳлил қилиш;

ҳудуднинг истиқболли майдонларини аниқлаш учун замонавий фазовий суратларни автоматик линеаментлар ажратиш дастури асосида башоратлаш харитасини тузиш;

маҳаллий нефть ва газга истиқболли башоратлаш структураларини ажратишда кидирув мезонларини асослаш;

геоизотермик хариталар тузиш билан чуқурлик ва юзаки иссиқлик майдонлар хусусиятларини истиқболли аномалияларини аниқлаш;

ГИС-технологияларида маълум эталон конлар бўйича автоматик истиқболли майдонлар ажратиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларидаги углеводород конлари ва маҳаллий истиқболли нефтгаздорлик структуралари жойлашган ҳудудлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маълум углеводород конлари ва ёндош ҳудудларнинг геологик, структуравий, тектоник ўзига хослиги, геофизик майдонлар хусусияти, регионал ва маҳаллий дарзланиш зоналари, линеамент ва ҳалқали структуралари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудуди бўйича мавжуд материалларнинг илмий умумлашган изоҳи, яъни гравитацион, магнит ва иссиқлик майдонларининг табиати, зилзилалар тўлқинларини алмашинув усули маълумотлари асосида чуқурлик тузилишини ва регионал дарзланиш зоналарини ажратиш; сейморазведка маълумотларида ёрдамида мезозой ётқизиқлари учун маҳаллий дарзланиш зоналарини ўрганиш; маҳаллий нефть ва газга истиқболли структураларни башоратлаш учун геофизик ва космогеологик маълумотларни комплекс талқин қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маълум ва башорат типидagi структураларнинг ер ёриғи олди зоналарида жойлашганлиги бўйича геологик-структуравий ва геологик-тектоник ўзига хослиги аниқланган;

истиқболли структураларни ажратишнинг геофизик белгилари ва нефть ва газ кидирув мезонлари асосланган;

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида чуқурлик ва юзаки иссиқлик майдонлари ўртасида ўзaro алоқадорлик аниқланган;

маълум эталон объектлар бўйича нефть ва газга истиқболли майдонларни автоматик ажратиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари худудининг истиқболли майдонлари аниқланиб, замонавий фазовий суратларни автоматик линеаментлар ажратиш дастури асосида башоратлаш космоструктуравий схематик харитасини тузилган;

нефть ва газ конларини қидиришнинг башоратлаш ва излаш мезонлари асосида маҳаллий истиқболли структуралар ажратилган;

чуқурлик ва юзаки иссиқлик майдонлар хусусиятларини истиқболли аномалияларини аниқлаш асосида худуднинг турли хил чуқурликлари учун геоизотермик хариталари тузилган;

ГИС-технологияларида маълум эталон конлар бўйича ишлаб чиқилган алгоритми асосида истиқболли майдонлар автоматик равишда ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижалар Жанубий-ғарбий Ҳисор этаклари худудинини геофизик майдонларининг хусусиятлари, замонавий фазовий суратларини турли хил диапазонини автоматик ва визуал талқин қилиш натижаларининг таққосланиши билан изоҳланади. Тузилган космоструктуравий схематик харитадаги ажратилган чизикли, ҳалқали структуралар ва чуқурликдаги геофизик маълумотлар натижалари билан комплекс таҳлил қилиниши билан асосланади. ГИС-технологияларида автоматик истиқболли майдонларни белгилаш алгоритмини қўллаб ажратилган структураларнинг ва маълум эталон конлар ўртасида ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, геофизик, космогеологик маълумотларни комплекс талқин қилиш, жумладан чуқурлик геофизик ва юзаки электромагнит майдон қийматларининг аномал фарқланиши, турли хил йўналишдаги региональ ва маҳаллий дарзланиш зоналари бўйлаб кечадиган миграция ҳисобига нефть ва газ уюмлари тўпланиш эҳтимоли бўлган тутқичларни аниқлаш имконини беради. Ушбу ҳолатлар углеводород уюмлари йиғилиши ва ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган қулай шароитларини геоморфологик, космогеологик, геотермик, структуравий ва тектоник мезонлар асосида ажратилган маҳаллий истиқболли структуралар мавжудлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тузилган башоратлаш хариталарида ажратилган маҳаллий истиқболли структуралар ишлаб-чиқариш амалиётида қўллаш имконини бериб, олинган натижавий таҳлиллар қидирув ишларини сифат жиҳатдан янги даражага ўзқазишда хизмат қилиб, ишларнинг самарадорлигини оширишга, ҳамда нефть ва газ захираларини ўстиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида маҳаллий нефть-газга истиқболли структураларни башоратлаш учун геофизик, космогеологик маълумотларни комплекслаш бўйича олинган натижалар асосида:

фазовий суратларнинг инфрақизил (иссиқлик) диапазони автоматик ва визуал линеамент таҳлилини ўтқизиш босқичлари услубиёти «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 7 майдаги 06/9-спр-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудудининг истиқболини баҳолаш ва олиб борилаётган геология қидирув ишларини самарали режалаштиришга имкон яратган;

комплекс геофизик усуллар маълумотларини қайта ишлаш орқали аниқланган мезонларга асосланган башоратлаш хариталари «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 7 майдаги 06/9-спр-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудудида фойдали қазилма конлари учун геологик съёмка ишларини олиб боришга асос бўлиб хизмат қилган;

замонавий рақамли фазовий суратларини каналлар комбинацияси алгоритми орқали аниқланган иссиқлик оқимининг аномаль зоналари хариталари «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонаси фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2019 йил 7 майдаги 06/9-спр-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудда ер ёриқлари ва тектоник структуралар билан боғлиқ бўлган фойдали қазилма конларини қидиришда асосий белгилардан бири бўлиб хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотлар натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 6 таси тезис, 6 таси илмий мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациясининг ҳажми 110 матнли бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва талабгорлиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқотлар объекти ва предмети баён этилган, диссертация мавзусининг республика фанлари ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, диссертациянинг тузилиши ва нашр ишлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларининг ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида Жанубий-Ғарбий Ҳисор нефтгаздор регионида геофизик усуллар ва аэрокосмик усуллар

ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган ҳамда ҳудуднинг чуқур бурғулаш бўйича ўрганилганлик натижаларининг замонавий ҳолати ёритиб берилган.

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида углеводород конларининг қонуният билан жойлашуви ва ҳосил бўлиши, геологияси, тектоникасини ўрганишга А.Г.Бабаев, А.М.Акрамходжаев, В.В.Рубо, К.А.Сотириади, А.Ю.Воробьев, М.М.Маденов, С.В.Екшибаров, Н.В.Сильченко, И.С.Рапота, Ф.М.Фаттахов, О.Г.Терлецкий, В.И.Троицкий, Г.И.Могилевский, А.А.Юрьев, А.А.Абидов, Г.С.Абдуллаев, Ф.Г.Долгополов С.Т.Хусанов ва бошқа кўплаб тадқиқотчи олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишди.

Регионнинг чуқурлик, геологик-геофизик тузилишини ўрганиш билан Р.И.Абрамсон, М.И.Астафьева, А.В.Егоркин, М.И.Разенкова, Ф.Х.Зуннунов, И.И.Перельман, А.А.Табаков, Р.З.Ахмеров, С.А.Зуев, Т.Э.Эргешев, Г.Г.Каримова, Г.А.Мамонов, Э.А.Гольдвирт, Р.С.Иванова, В.А.Пак, М.М.Мирхамидов, Т.Л.Бабаджанов, Р.Б.Иргашев, М.У.Туримов, Д.Х.Атабаев ва бошқалар шуғулланганлар.

Регионнинг гравимагнит ва электромагнит майдонлари бўйича тадқиқотлар В.П.Ким, Б.И.Чистий, В.М.Фомин, А.С.Орловский, В.А.Каплун, Ж.С.Кузнецов, В.М.Рыманов, И.Г.Кремнев, П.В.Храмышкин, Ю.С.Пигорев, Л.Н.Котляревский, Б.Б.Таль-Вирский Р.М.Гатина, Г.Ю.Юлдашев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Жанубий-ғарбий Ҳисор нефтгаздорлик регионини аэрофазовий тадқиқотлар билан ўрганиш О.М.Борисов, А.К.Глух, А.А.Валиев, И.М.Эйдельмант, В.В.Внучков, Арк.В.Тевелев, Л.И.Буняк, А.И.Полетаев, О.Таджитдинов, П.К.Азимов, Х.Р.Сидикходжаев, Т.Т.Таджиев, А.А.Клочко ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида акс этган.

Геоморфологик жиҳатдан Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудуди мураккаб тоғ тизмасини намоён қилади, яъни узоқ давом этган то алп вақтигача бўлган фаол тоғ ҳосил бўлиш жараёни билан шартланган. Натижада денгиз сатҳидан 4000 м баландликдаги, юқори кўтарилмали тоғ тизмаси ҳосил бўлган. Шунинг ҳисобига тоғлар кескин ўзгарувчан, майдондаги турли хил участкаларда улар ягона йўналишга эга эмас. Бу эса ўз навбатида геологик-геофизик ишларини бажаришни мураккаблаштиради. Ушбу регионда углеводород уюмлари аниқланган ҳудудлар билан аналоглари бўйича истиқболли геоструктураларни хариталаштириш ва нефтгаздорлик белгилари ҳақида қўшимча маълумотни олиш зарур.

Ушбу вазифани ҳал қилиш учун фақатгина фазовий суратларни қайта ишлаш ва геологик-геофизикавий материалларни комплекс талқин қилиш услубиётини яратиш билан ечиш мумкин.

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларида сейсмик профилларнинг қидирув тўри тенг тақсимланмаган. 2016 йил ҳолати бўйича умумий чуқур нуқта усули (УЧНУ) билан ўрганиш ҳажми 2,5 минг пог.км, ўрганиш зичлиги – 0,6 кв/км.ни ташкил қилиб, 19 та структура чуқур бурғулашга тайёрланган. Чуқур кудукларни бурғулаш 1961 йилдан бошланган. 32 та майдонда ўртача

417421 пог. м. ҳажм билан 152 та кудук қазилган. Чуқур бурғулаш билан ўрганиш зичлиги $27,0 \text{ км}^2/\text{кудук}$ ва $101,8 \text{ м}/\text{км}^2$ га етди.

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларининг нефтгаздорлигини ўрганишда эришилган ютуқларга қарамасдан, сўнги ўттиз йиллик мобайнида янги конлар очилгани йўқ, янги нефт ва газ конларини очиш эса ўз навбатида янги аниқланган ҳамда бурғулашга тайёрланган истиқболли структураларнинг миқдорига боғлиқ

Сўнги масала бир қанча долзарб саналади, яъни ҳозирги вақтга қадар маҳаллий истиқболли структуралар фонди сезиларли камайди, бу эса тадқиқот ҳудудининг мураккаб чуқурлик тузилиши, рельефнинг кескин ўзгарувчанлиги ва кам геофизик ўрганилганлиги билан тушунтирилади.

Буларнинг барчаси шундай хулоса қилишни тақозо қиладики, ўрганилаётган ҳудудда келгусида углеводород уюмлари учун кидирув-разведка ишларини ўтқозишда геофизик усулларнинг маълумотлари ва масофавий тадқиқотлар комплекс интерпретациялаш катта потенциалга эга.

Диссертациянинг **«Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудуди бўйича фазовий суратларнинг космоструктуравий дешифрировкалаш услуги»** деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг тектоник тузилишини ўрганиш, космоструктуравий схематик харитасини тузиш учун линеамент тектоника таҳлилини ўтқозишда фазовий суратларни автомат ва визуал дешифрировкалаш ҳамда фазовий суратларда акс этувчи объектларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиган автомат синфлаштириш босқичлари ва улардан олинган натижалар келтирилган.

Ерни масофадан зондлаш маълумотларини махсус қайта ишлаш ва дешифрировкалашнинг иккита услугиёти кўриб чиқилган бўлиб, биринчи услугиёт бу - текстура ва линеаментларни таҳлил қилувчи WinLESSA модулида Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудудининг 2000 йил 10 декабрда ASTER Terra сунъий йўлдошидан олинган рельефнинг рақамли моделини қайта ишлаш билан бажарилди.

WinLESSA модулида рельефнинг рақамли моделини қайта ишлаш натижалари рельефдаги баландликларнинг ўзгаришлари яни сув айриғичлар, сув тармоқлари, даралар, тоғ олди ва тоғли ҳудудларнинг кескинлигини фарқланишига асосланиб, Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудуди линеамент тектоникасининг ўзига хослиги тавсифланди.

WinLESSA модулида автоматик равишда ажратилган линеаментлар ва чизиқли структуралар тектоник зичлик харитаси бажариладиган амалларнинг кўп параметрли ва кўп функциялилиги олинadиган маълумотларнинг турини ортишини таъминлади.

Олинган натижалар линеамент таҳлилининг тектоник аҳамияти тадқиқот ҳудудининг регионал ва маҳаллий линеаментлари ва уларнинг тектоник зичлик хариталарининг хусусияти билан тавсифланган. Ҳудуддаги регионал ва маҳаллий узилмали ёр ёриқларининг тарқалишини маҳаллий дарзланишларнинг атиргул диаграммасида намоён бўлиши, алоҳида тектоник элементлар бўйича асосий дарзланиш зоналарини асосан иккита: шимолий-шарқий ва шимолий- ғарбий йўналишларда эканлигини кўрсатди.

Шимолий-шарқий йўналишдаги дарзланиш зоналари альп тектогенезининг ҳосилалари сифатида ва шимолий- ғарбий йўналишдаги дарзланиш зоналари эса ҳудуднинг ривожланиш босқичида ундан қари бўлган герцин бурмаланиш даврига мансуб эканлиги билан хусусиятланган. Улар орасида ажратилган флексура-узилмали зоналар ва ер ёриқлари тизими, Жанубий-ғарбий Ҳисор горстмегаантиклинали фундаменти ва мезо-кайнозой ётқиқиқларини зинасимон устсурилмалар билан мураккаблаштирганлиги эътироф қилинди.

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудуди бўйича аниқланган линеаментларнинг ўзига ҳослигига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, линеаментлар кесишган тугунларларнинг ҳосил бўлиши ер пўсти юқори қаватининг ўтказувчан заиф зоналари бўлиб хизмат қилиши бу эса ўз навбатида асосий нефть ва газ конлари жойлашган ҳудудларга тўғри келишини кўрсатди.

Иккинчи услубиёт эса геологик ва геофизик маълумотларни жалб қилган ҳолда фазовий суратларни визуал дешифрировкалаш билан бажарилган.

Омонота газоконденсат кони туз ости бурмаланган структураси шимолдан Омонота ва жанубдан Кўшқудуқ ер ёриқлари билан чегараланган бўлиб структуранинг шаклланишида структуравий тектоник омиллар муҳим рол ўйнайди, ушбу параллел ер ёриғи зонаси фазовий суратларни узоқ инфрақизил каналини визуал таҳлили асосида кенглик йўналишидаги ишончли линеаментни ажратиш билан тасдиқланди.

Олиб борилган икки хил услубиёт натижасида ажратилган регионал, маҳаллий линеаментлар, ишончли, тахминий, чизиқли ва ҳалқали структуралар Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудуди учун тузилган космоструктуравий схематик харитада, ажратилган маҳаллий нефть ва газга истиқболли структуралар билан акс этган. Ҳудуднинг космоструктуравий схематик харитасини тузишда А.К.Глух томонидан (1982) ишлаб чиқилган космогеологик ишларни ўтказиш йўриқномасига мувофиқ ер қарини ўрганишда умумийдан – хусусийга томон яқинлашиш принципи билан бажарилди.

Космоструктуравий схематик харитада акс этган чизиқли структуралар ва ер ёриқлари Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ҳудудининг структурали-дешифрировкаловчи комплекслари ва структурали-дешифрировкаловчи белгиларинининг кескин фарқланувчи фотоаномал чегараларини ажратиш орқали аниқланган бўлиб, аниқланган ер ёриқларининг айримлари тунги иссиқлик тасвирлаш фазовий суратларини қайта ишлаш натижаларида чизиқли иссиқлик оқимининг юқорилиги билан намоён бўлган. Космоструктуравий харитада келтирилган линеаментлар ва ер ёриқларининг аксарияти илгари ноъмалум бўлган ёки анъанавий геологик тасвирлаш ишларида акс этмаган.

Визуал дешифрировкалаш бўйича ажратилган ҳалқали структуралар иссиқлик оқимининг майдонли ҳалқасимон юқори зоналари билан, параллел йўналишдаги гидротармоқларнинг овалсимон ўзгаришлари ҳамда кўринувчи ва яқин инфрақизил каналларда фазовий суратларнинг фототонли ўзгаришлари орқали ажратилди.

Ҳудуддаги асосий сиқилиш зоналари кенглик ва субкенглик йўналишларда намоён бўлиб, маҳсулдор горизонтлар 1200-3500 чуқурликдаги интервалларда жойлашган бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши ва ташилиши қуйи бўр ва юқори

юра даври ётқизикларининг устсурилма шаклида мураккаблашганлиги билан шартланган.

Landsat-8, Sentinel сунъий йўлдошларидан олинган фазовий суратларни структуравий дешифрировкаловчи белгилар билан визуал дешифрировкалаш асосида тадқиқот ҳудуди учун структуравий дешифрировкаловчи комплекслар ажратиш билан 1:100 000 миқёсли масофавий асос харитаси яратилди.

Фазовий суратларни автомат ва визуал дешифрировкалаш натижаларига кўра мультиспектрал фазовий суратлардаги объектларнинг физик хусусиятларининг ўзгариши майдонли объектлар ва чизиқли структуралар ажратишга асос бўлди. Бу эса ўз навбатида нефть ва газ қидирувида космогеологик мезонни асослашга хизмат қилди.

Асосланган мезон, олинган натижаларни танланган маълум эталон углеводород (Пачкамар, Омоната, Одамташ, Шим.Тандирча) конларининг геофизик майдонлар хусусияти, регионал ва маҳаллий дарзланиш зоналари, линеамент ва ҳалқали структуралари, уларнинг геологик, структуравий, тектоник ўзига хослиги каби хусусиятларини комплекс таҳлил қилиш билан асосланди.

Космогеологик мезон асосида Жанубий-ғарбий Ҳисор нефтьгаздорлик регионининг Бешкент ботиқлиги билан ёндош майдонлари, яъни ҳудуднинг ғарбий қисмида маълум бўлган алоҳида структураларнинг давоми сифатида уларга ёндош маҳаллий нефть ва газга истиқболли структуралар ажратилди.

Фазовий суратларни бирламчи қайта ишлашнинг Kirsha, Roberts, Index-4 каби усулларида фойдаланиб, визуал дешифрировкалаш натижалари бўйича ер пўсти юқори қаватининг сиқилиш, чўзилиш зоналари, узилмалар бузилишлар, дарзланиш зоналари турли хил тузилишдаги геодинамик шароитлари билан намоён бўлди.

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этакларининг космоструктувий схематик харитасида флюид оқимларини ташилиши ва концентрациялашувида канал вазифасини бажарувчи структуравий ва тектоник элементлар ажратилган бўлиб улар ўз навбатида ҳудуднинг истиқболли майдонларини ажратишга асос бўлди.

Тадқиқот ҳудудининг геоморфологиясини таҳлил қилиш учун Aster» сунъий йўлдошидан олинган радар тасвирларини ERDAS IMAGINE-2014, дастурида автоматик геоморфологик хариталаш филтри билан ва фазовий суратларини бошқариладиган ва бошқарилмайдиган автомат синфлаштириш амаллари бажарилган. Натижада ҳудуднинг эндоген ва экзоген жараёнлари билан боғлиқ бўлган геоморфологик ҳолати ва рельеф ўзгаришларини таҳлил қилиш асосида нефть ва газ қидирувида муҳим аҳамият касб этувчи геоморфологик мезон ўрнатилди.

Аниқланган геоморфологик мезон Пачкамар газоконденсат кони мисолида бўр даври ётқизикларининг замонавий рельефдаги очилмаларининг ҳолати ва уларнинг кетма-кетлиги, чуқурликдаги юқори юра даври маҳсулдор горизонтлари бўйича структура шаклида ўзаро алоқадорлик мавжудлигини кўрсатди.

Пачкамар конининг чуқурликдаги структуравий харитасида юқори юра даври кимериж-титон ярусининг қайтарувчи горизонти бўйича изогипслар

йўналиши ва шаклининг, яъни тутқич формасининг ўзгариш чегаралари «Aster» сунъий йўлдошидан олинган фазовий суратларини бошқариладиган автомат синфлаштириш натижалари билан мос келди. Пачкамар конининг структуравий жиҳатдан ўзига хослиги маҳаллий фотоаномал ҳалқали структура доирасида намоён бўлишидадир. Ушбу асосланган геоморфологик мезон ва ҳалқали структуралар белгиларининг таҳлили бўйича Пачкамар конининг аналоглари сифатида унга ёндош майдонларда учта маҳаллий нефть ва газга истикболли участкаларни ажратишга асос бўлди.

Углеводород (УВ) уюмлари шаклланиши ва тўпланишига қулай шароитлар, хусусан гидротермаль флюидларни локализациялашувида муҳим аҳамият касб этувчи тектоник дарзланиш зоналари аниқланган. Ушбу зоналар Бобосурхон антиклиналининг жанубий-шарқида Тудачарбаг, Гумбулоқ антиклиналида жойлашган Шарқий Гумбулоқ, Чарчар грядасининг жанубий-ғарбида жойлашган Тиллатепа ва Бобосурхон антиклиналида жойлашган Даукамар маҳаллий нефть ва газга истикболли башорат структураларини назоратлаши аниқланди.

Тадқиқот ҳудуди бўйлаб ажратилган линеаментлар ва ер ёриқларининг чуқурлик билан алоқадорлигини изоҳлаш учун Гумбулоқ кони бўйича № 1, 2, 18, 13, 9, 12 чуқур бурғу кудуклари маълумотлари ва сейсморазведка усули бўйича тузилган қайтарувчи горизонтларнинг структуравий хариталарини таҳлил қилиш асосида геологик профил тузилган. Профилда кон қуйи бўр ва юқори юра даври ётқизикларининг устсурилма типиде мураккаблашганлиги билан намоён бўлган. Ҳудуддаги Пачкамар, Одамтош, Омонота ва бошқа асосий нефть ва газ конлари чуқурлик геологик кесимларида устсурилма типига тааллуқли эканлиги билан тавсифланди.

Лангар-Пачкамар структураси қатор блоксимон тузилишдаги устсурилмалар билан мураккаблашган ва ер ёриқлари билан чегараланганлиги, тадқиқот ҳудудида истикболли структуралар ва улардаги углеводород уюмларининг ҳосил бўлишини ҳудуднинг тектоник, структуравий тузилиши билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Яратилган автоматик ва визуал дешифрировкалашнинг комплекс услубиятининг натижалари нафақат нефть ва газ конларини кидирувида муҳимдир, балки Жанубий Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилма конларини шаклланиши ва ҳосил бўлишида тектоник ва структуравий омиллар етакчи ўрин эгаллаши билан, уларни кидиришда ҳам ушбу услубиётни бирдек муҳим аҳамият касб этиши билан ҳулосаланди.

Диссертациянинг «**Жанубий-ғарбий Ҳисор этакларининг чуқурлик ва юзаки термик майдонлари**» деб номланган учинчи бобида Тадқиқот ҳудудида аввалги йиллар мобайнида олиб борилган геотермик тадқиқот натижаларини таҳлил қилган ҳолда ҳудуднинг геотермик режими тавсифланди.

Тадқиқот ҳудуди учун иссиқлик оқимининг зичлиги 44 дан 95 мВт/м² гача бўлган ораликда ўзгариши ва регионал фоннинг ўртача қиймати 60 мВт/м² га тўғри келиши эътироф қилинди. Ушбу қиймат 45-50 км қалинликдаги континентал ер пўсти билан ороген минтакалар учун меёрий геотермик режимига мос келиши баён қилинган. Тадқиқот ҳудудининг регионал фонида

биргина интенсив изометрик аномалия исиқлик оқимининг зичлиги 95 мВт/м^2 ни ташкил қилиши Гумбулоқ кони худудида қайд қилинган. Ушбу аномал исиқлик оқимининг зичлиги чуқур исиқлик массасини ташувчи каналар сифатида ер пўстининг узилмали бузилиши зонаси билан боғлиқлиги исботланди.

Ажратилган исиқлик оқимининг юқори аномал зоналарига региональ линеаментларнинг кесишиш тугунлари мос келиши аниқланган. Ўрнатилган ушбу ўзига хослик нефть ва газ геологиясида А.А.Абидов (2004-2010) томонидан ишлаб чиқилган мавжуд бўлган миксгенетик концепцияга мувофиқ келишини кўрсатди. Унга кўра ер пўсти юқори қаватининг заиф ўтказувчан зоналари бўйлаб флюид оқими воронкасимон каналлар бўйлаб ҳаракатланади.

Тадқиқот худуди бўйича аниқланган исиқлик оқимининг аномал зоналари 1986 йилда Р.М. Гатина томонидан ўтказилган чуқур магнитотеллурик зондлаш усули билан Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ва унга ёндош ҳудудлар бўйича тузилган суммар бўйлама электр ўтказувчанлик харитаси билан солиштирилди.

Каротаж маълумотлари бўйича термограммаларни таҳлили шуни кўрсатдики, ҳароратнинг юқори қийматлари нефть конларида кузатилса, ҳароратнинг ўртача қийматлари газоконденсат конларида қайд қилинганлиги бевосита нефть ва газ контактларида содир бўладиган физик-кимёвий жараёнлар ҳисобига ажралиб чиқадиган исиқлик ҳисобига деб баҳоланган. Нефть ва газ намоёндалари кузатилмаган структуралардаги қудуқларда ҳароратнинг паст қийматлари қайд қилинган. Маҳсулдор бўлмаган бир нечта структураларда ҳароратнинг ўрта ва юқори қийматлари кузатилиши бевосита фаол ер ёриқлари билан алоқадорлиги аниқланди.

Жанубий-ғарбий Ҳисор нефтьгаздорлик региони ва унга шимолий – ғарбдан ёндош бўлган Бухоро-Хива нефтьгаздорлик региони ва шарқдан Сурхондарё нефтьгаздорлик регионларидан чегара ҳудудлар бўйлаб жами 30 майдон бўйича бурғу қудуғида ўтказилган термик каротаж усули орқали олинган термограммалар асосида қудуқлар кесими турли хил чуқурликлар (-500, -1000, -1500, -2000, -2500, -3000) учун ҳароратнинг тақсимланиши таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган -500 м чуқурликда қайд қилинган энг юқори ҳарорат қиймати Мобик майдонида 65.8°C ни, энг паст қиймат эса Бобосурхон майдонида 28°C ни ташкил қилган бўлиб ўртача ҳарорат фарқи 22.9°C ни ташкил қилади. Бу эса шундан далолат беради тадқиқот худуди бўйича геотермик градиент тенг тақсимланмаган.


Термограммаларни таҳлил қилиш асосида турли хил чуқурликлар (-500, -1000, -1500, -2000, -2500, -3000) учун 1:200 000 миқёсли геоизотерм хариталари тузилган (1 – расм.). Хариталарни тузиш мобайнида бурғу қудуқларлари кесимида геологик даврлар, яруслар ва свиталар чегараларининг очилганлиги бўйича маълумотлардан кенг фойдаланилган. Харитада акс этган геоизотерм чизиқларининг ўзгариши ҳар 5 градус фарқ билан ўтказилди.

Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари этаклари ва ёндош ҳудудларнинг турли хил чуқурлик изотермик сатҳларда ҳароратнинг ўртача қийматлари (янги маълумотлар 1973-2015 йй. А.Б.Гоипов).

№ т/р	Кон ва структура, Қудук рақами	Чуқурлик сатҳларида ҳарорат Т градусда °С						
		-100	-500	-1000	-1500	-2000	-2500	-3000
1	Жилин 1	25	40,6	52	65,2	79,5	95,8	110,6
2	Ғузор 1	22,5	28	49,5	62,8	81,5	96	102
3	Бўзахур 1	36,3	43,5	51	61,2	80	102,7	117,8
4	Жайрон 1	32	39,5	47,4				
5	Гармистан 19	49	52,3	58,1	64,7	71,3	79,2	87
6	Белисайнак 1	23	34,8	49,5	68	87	104,5	
7	Қизилбайроқ 2	29,1	41,8	54,5	69,15			
8	Бобосурхон 1	22,5	28	38	56,8	73,6		
9	Жарқудук 1	22	39,6	57,8	73,4	89,3		
10	Кўшқудук5	24,9	36,7	50	64,2	74,4		
11	Қараил 1	29,1	39,4	46,2	53,5			
12	Бешбулоқ 1	42,6	50,9	62,1	72,4	83	91,7	92,6
13	Тандирча 2	28,3	32	41				
14	Чалка 1	24,6	39,3	55	66,25	74,4		
15	Тоғам 1	28,2	38,9	50,3	64,8	75		
16	Мобик3	58,2	65,8	76,2	80,2	90,2		
17	Гумбулак21	37,4	55,2	68,0				
18	Пачкамар4	45,2	59,2	74,6	83,0			
19	Баянгора 5	47,4	59,6	65	72	82	90,5	
20	Ляйлякон 2						77,8	87
21	Дербент 2			53,4	54,4	69		
22	Бешқиз 1	36,5	41,9	52,9	64,2	75,4	86,5	98
23	Қорабоғ 2	16	18,8	34	49,6	61		
24	Хўжаипак 1					66	77,56	
25	Бешэркак 1	40,1	44,8	52,25	58,3			
26	Гаджак 46	49,2	51,4	57,8	64	71	81,6	99
27	Кўгнисой 3	29	32,6	42	51,5	65	81,5	98,8

Геофизик маълумотларнинг комплекс таҳлили шуни кўрсатдики исиклик оқимининг юқори қийматли аномал зоналари чўкинди қаватининг электр ўтказувчанлиги юқори ва қаршилиги паст зоналарига тўғри келган ва асосий нефть ва газ конлари гуруҳи ушбу зоналарда жойлашган ҳудудларга муофиқ келишини кўрсатди. Аниқланган ушбу ўзига хослик Р.М. Бембель ва бошқалар (2003 й.) томонидан илгари сурилган геосолитонлар концепциясига муофиқ келиши билан асосланди.

Тадқиқот ҳудудининг юзаки исиклик майдонини таҳлил қилиш учун фазовий суратларнинг инфрақизил (исиклик) диапазонини ҳароратга ўтказиш формуласидан фойдаланиб ҳудуднинг даврий тасвирлари билан ҳароратнинг тақсимланиши таҳлил қилинди.



**1 – расм. - 500 м чуқурлик учун геозотерм харитаси
(тузувчи: А.Б.Гоипов).**

Фазовий суратлар инфрақизил (иссиқлик) диапазонида ҳароратга ўтқизишда ҳудудни LANDSAT-7,8 сунъий йўлдошидан олинган даврий тасвирларини таҳлил қилиш босқичларида табиий ҳароратнинг мавсумий ва суткалик ўзгаришлари ҳисобланди.

Фазовий суратларнинг инфрақизил (иссиқлик) диапазони автоматик ва визуал линеамент таҳлилини ўтқизиш босқичларида тадқиқот ҳудудидаги йирик тектоник элементлар: Учбош-Қарши ва Келиф-Шеробод флексура узилмалари ер ёриқлари зоналарининг ҳароратни ўрта ва юқори эканлиги ва Бургутли-Дехқонобод, Гаурдак-Тюбегатан линеаментлари ўрта паст қийматларга эга эканлиги билан кескин фарқланиши яққол ақс этди.

Чўкинди қаватининг юқори горизонтларида иссиқлик оқими геотектоник, структуравий, гидрогеологик, седиментацион, геоморфологик ва теплофизик омиллар ҳисобига ўзгариши қайд қилинди ва геотермик хариталар тузишда ушбу омиллар эътиборга олинди.

